# VIII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

2019 йилнинг январь-мартида 30,4 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 мартага кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (44,7 %), саноат тармоғида (21,2 %), қурилиш тармоғида (9,2 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (6,0 %), ташиш ва сақлашда (2,9 %) ташкил этилган.

**2019 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши**



**2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари**

| | *Ўлчов бирлиги* | *2018 й.* | *2019 й.* | *(+-)* |
|---|---|---|---|---|
| **Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони** | **бирлик** | **238 513** | **289 659** | **51146** |
| **Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар** | **бирлик** | **13 227** | **30 442** | **17215** |
| ЯИМ | % | 49,5 | 45,5 | -4,0 |
| Саноат | % | 28,8 | 27,3 | -1,5 |
| Қишлоқ, ўрмон ва баликчилик хўжалиги | % | 96,7 | 97,1 | 0,4 |
| Инвестиция | % | 38,5 | 29,5 | -9,0 |
| Қурилиш | % | 61,6 | 68,0 | 6,4 |
| Савдо | % | 87,2 | 84,7 | -2,5 |
| Хизматлар | % | 55,3 | 52,3 | -3,0 |
| Юк ташиш | % | 45,2 | 43,9 | -1,3 |
| Юк айланмаси | % | 76,2 | 75,4 | -0,8 |
| Йўловчи ташиш | % | 89,7 | 90,0 | 0,3 |
| Йўловчи айланмаси | % | 94,6 | 94,7 | 0,1 |
| Экспорт | % | 21,0 | 24,5 | 3,5 |
| Импорт | % | 60,8 | 55,7 | -5,1 |

**Ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар,** *бирликда*

| | *2018 й. январь-март* | *2019 й. январь-март* |
|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **13 227** | **30 442** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 584 | 1 280 |
| *вилоятлар:* | | |
| Андижон | 891 | 1 741 |
| Бухоро | 762 | 2 182 |
| Жиззах | 652 | 1 309 |
| Қашқадарё | 700 | 1 802 |
| Навоий | 514 | 889 |
| Наманган | 798 | 2 078 |
| Самарқанд | 1 088 | 2 940 |
| Сурхондарё | 959 | 1 617 |
| Сирдарё | 362 | 789 |
| Тошкент | 1 307 | 2 856 |
| Фарғона | 1 105 | 2 851 |
| Хоразм | 450 | 1 804 |
| Тошкент ш. | 3 055 | 6 304 |

2019 йилда янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Тошкент шахрига - 6304 та, Самарканд вилоятига - 2940 та, Тошкент вилоятига - 2856 та, Фарғона вилоятига - 2851 та, Бухоро вилоятига - 2182 та, Наманган вилоятига - 2078 та тўғри келди. Хоразм, Кашкадарё, Андижон, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 1804-889 тани ташкил этган. Энг паст кўсаткични Сирдарё вилояти – 789 тани ташкил этган.

## 2019 йил январ-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши




2019 йил январь-март ойларида худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Тошкент шаҳрига - 20,7 %, Самарқанд вилояти - 9,7 %, Тошкент вилояти - 9,4 %, Фарғона вилояти - 9,4 %, Бухоро вилояти 7,2 %, Наманган вилояти – 6,8 %, Хоразм вилояти - 5,9 %, Қашқадарё вилояти - 5,9 %, Андижон вилояти - 5,7 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар,** *бирликда*

| | *2018 й. январь-март* | *2019 й. январь-март* |
|---|---|---|
| **Жами** | **13 227** | **30 442** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1 720 | 1 835 |
| Саноат | 3 009 | 6 444 |
| Қурилиш | 1 666 | 2 789 |
| Савдо | 3 066 | 13 604 |
| Ташиш ва сақлаш | 563 | 879 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 946 | 2 202 |
| Ахборот ва алоқа | 362 | 366 |
| Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 364 | 297 |
| Бошқа турдаги хизматлар | 1 531 | 2 026 |

2019 йил январ-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп **савдода 13604 та**, шунингдек :

**саноатда - 6444 та;**

**қурилишда - 2789 та;**

**яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 2202 та;**

**қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 1835 та**;

**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар,** *бирликда*

| | *2018 й. январь-март* | *2019 й. январь-март* | *фарқ.(+-)* |
|---|---|---|---|
| Учтепа тумани | 260 | 1 102 | 842 |
| Самарқанд шаҳри | 339 | 972 | 633 |
| Олмазор тумани | 333 | 841 | 508 |
| Бухоро шаҳри | 248 | 625 | 377 |
| Чилонзор тумани | 400 | 773 | 373 |
| Наманган шаҳри | 292 | 597 | 305 |
| Шайхонтохур тумани | 312 | 616 | 304 |
| Жиззах шаҳри | 146 | 416 | 270 |
| Юнусобод тумани | 412 | 675 | 263 |
| Андижон шаҳри | 278 | 522 | 244 |

2019 йил январь-март ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг юқори ўсиш Учтепа туманида – 842 та, Самарқанд шаҳрида - 633 та, Олмазор туманида - 508 та. Бухоро шаҳрида бу кўрсаткич 377 тани ташкил этди, Чилонзор туманида - 373 та, Наманган шаҳрида - 305 та. Шайхонтохур ва Юнусобод туманларида бу кўрсаткич мос равишда 304 ва 263 тани ташкил этди.

**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар,** *бирликда*




2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) худудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Тошкент шаҳрида 25,9 бирликда, Сирдарё вилоятида 18,6 бирликда, Жиззах вилоятида 17,7 бирликда, Тошкент вилоятида 15,7 бирликда, Навоий вилоятида 14,9 бирликда, Бухоро вилоятида 14,3 бирликда ва Қашқадарё вилоятида 13,9 бирликда бўлиб, Фарғона,

Андижон, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ўртача кўрсаткич 10,4 - 12,5 бирлик оралиғида аниқланди. Сурхондарё вилоятида 8,7 бирликда ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони** *(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)*.




Агар, 2018 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 12,7 бирликни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 13,9 бирликка етди ва 2018 йилга нисбатан 1,2 бирликка юқори бўлди.

**Январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони**
*(ҳар 1000 аҳолига, бирликда;)*




Қуйида, 2019 йилнинг январь-мартида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 27,3 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 97,1 %, қурилишда – 68,0 %, инвестицияда - 29,5 %, савдода – 84,7 %, экспортда – 24,5 %, импортда – 55,7 % ва хизматлар соҳасидаги - 52,3 % улуши кўрсатилган.

**2019 йилнинг январь-мартида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши**



**Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улушининг пасайиши, %**




2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 45,5 % ни ташкил қилди (2018 йилнинг январь-мартида 49,5 %). ЯИМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.




Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши энг кўп Жиззах (74,0 %), Сурхондарё (68,2 %), Самарқанд (67,7 %), Наманган (66,5 %), Хоразм (64,1 %), Тошкент ш. (60,4 %), Бухоро (60,3 %), Сирдарё (58,3 %), Андижон (56,3 %) Фарғона (55,5%), Қашқадарё (45,5%), ва Тошкент (44,4%) вилоятларида ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич (24,0%) паст бўлиб қолмоқда.

**Кичик тадбиркорликнинг худудлар бўйича ЯҲМдаги улуши,** *%*
*(2018-2019 йил январь-март)*



**2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши, %**

| Ҳудудларда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг энг кичик улуши | | Ҳудудларда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг энг катта улуши | |
|---|---|---|---|
|  | Навоий вилояти 24,0 % |  | Жиззах вилояти 74,0% |
|  | Қорақалпоғистон Республикаси 43,0 % |  | Сурхондарё вилояти 68,2 % |
|  | Тошкент вилояти 44,4 % |  | Самарқанд вилояти 67,7 % |
|  | Қашқадарё вилояти 45,5 % |  | Наманган вилояти 66,5 % |
|  | Фарғона вилояти 55,5 % |  | Хоразм вилояти 64,1% |
|  | Андижон вилояти 56,3 % |  | Тошкент ш. 60,4 % |
|  | Сирдарё вилояти 58,3 % |  | Бухоро вилояти 60,3 % |

## 2019 йил январь-мартида кичик тадбиркорликнинг худудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимида улуши, %

| | *Саноат* | *Қурилиш* | *Хизматлар* | *Инвестиция* |
|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **27,3** | **68,0** | **52,3** | **29,5** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 16,9 | 88,5 | 54,2 | 28,5 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 17,2 | 94,5 | 70,6 | 57,4 |
| Бухоро | 23,6 | 79,3 | 70,4 | 27,9 |
| Жиззах | 50,5 | 98,0 | 65,4 | 38,9 |
| Қашқадарё | 15,1 | 79,7 | 69,3 | 6,7 |
| Навоий | 9,9 | 77,5 | 60,9 | 7,1 |
| Наманган | 63,3 | 96,1 | 66,2 | 23,4 |
| Самарқанд | 43,1 | 98,3 | 72,2 | 42,6 |
| Сурхондарё | 45,5 | 82,6 | 71,3 | 54,8 |
| Сирдарё | 34,0 | 95,3 | 58,8 | 43,2 |
| Тошкент | 17,8 | 84,9 | 71,4 | 32,0 |
| Фарғона | 34,3 | 88,3 | 71,1 | 44,8 |
| Хоразм | 26,4 | 95,1 | 66,1 | 54,1 |
| Тошкент ш. | 68,3 | 68,0 | 48,1 | 51,0 |

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улуши Тошкент шаҳри (68,3 %), Наманган (63,3 %) ва Жиззах (50,5 %) вилоятларига тўғри келади.

Қурилишда - Самарқанд (98,3 %), Жиззах (98,0 %), Наманган (96,1 %) ва Сирдарё (95,3 %) вилоятларига тўғри келади.

Хизматлар соҳасида - Самарқанд (72,2 %), Тошкент (71,4 %), Сурхондарё (71,3 %), Фарғона (71,1 %) вилоятларига тўғри келади.

Инвестицияда - Андижон (57,4 %), Сурхондарё (54,8 %), Хоразм (54,1 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (51,0 %) ташкил этади.

**2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:**

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 18381,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 27,3 %) ёки 2018 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 107,4 % ни ташкил қилди;

– 8813,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 29,5 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 97,6 % ни ташкил қилди;

– 7605,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 68,0 %) бажарилди ва 2018 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 116,7 % ни ташкил қилди;

– 20992,2 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 52,3 %), 2018 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 103,6 % ни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 84,7 % ёки 27818,4 млрд. сўмни (ўсиш 5,9 % ни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 1010,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 24,5 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2018 йилга нисбатан 289,9 млн. АҚШ долларига ёки 40,2 % га кўп;

– автомобил транспорти юк айланмасининг 2,9 % га (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 75,4 %) кўпайиши таъминланди;

– йўловчи айланмасининг эса 2,2 % га (умумий йўловчи айланмасининг 94,7 %) кўпайиши таъминланди;

**Кичик тадбиркорликнинг улуши**
*(умумий ҳажмига нисбатан % да)*



**Кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат)ларнинг, жами экспорт хажмидаги улуши, %**




2019 йил январь-март ойларида худудлар бўйича кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат)ларнинг жами экспортдаги энг кўп улуши Сурхондарё вилоятида – 91,1 %, Хоразм вилояти - 89,8 %, Сирдарё вилоятида - 87,5 %, Наманган вилояти - 85,5 %, Самарқанд вилояти - 82,2 %, Бухоро вилояти - 74,5 %, Жиззах вилояти - 69,2 %, Андижон вилояти - 69,2 %,Фарғона вилояти – 43,1 %, Қашқадарё вилояти - 37,5 %, Тошкент ш. - 30,4%, Навоий вилояти - 23,4 % ва Тошкент вилояти - 22,6 %, энг паст кўрсаткични Қорақалпоғистон Республикасида - 13,5 % ни ташкил этди.

**2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва суръати**




Ҳудудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (6740,9 млрд. сўм), Тошкент (1917,0 млрд. сўм), Фарғона (1420,8 млрд. сўм), Самарқанд (1331,6 млрд. сўм) ва Андижон (1232,3 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Сурхондарё вилоятида (344,4 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.



**2019 йил январь-март ойларида жами саноат махсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, %**




Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнининг жами саноат махсулотидаги энг юкори улуши Тошкент ш. (68,3 %), Наманган вилояти (63,3 %), Жиззах вилояти (50,5 %), Сурхондарё вилояти (45,5 %), Самарқанд вилояти (43,1 %), Сирдарё вилояти (34,0%), Хоразм вилояти (26,4 %) ва Бухоро вилояти (23,6 %). Қашқадарё (15,1%) ва Навоий вилоятида (9,9 %) кичик тадбиркорликнинг улуши паст бўлиб қолмоқда.



## 2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва суръати




Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Тошкент шаҳри (5449,7 млрд. сўм), Тошкент (2888,1 млрд. сўм), Фарғона (2443,6 млрд. сўм), Андижон (2393,0 млрд. сўм) ва Самарқанд (2328,7 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.



**2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва суръати**




Ҳудудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (1466,4 млрд. сўм), Фарғона (676,9 млрд. сўм), Қашқадарё (647,1 млрд. сўм), Тошкент (613,5 млрд. сўм) ва Самарқанд (577,8 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди.



**2019 йил январь-мартида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва суръати**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (6254,1 млрд. сўм), Тошкент (2072,4 млрд. сўм), Самарқанд (1893,7 млрд. сўм), Фарғона (1739,2 млрд. сўм) ва Андижон (1476,5 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодий фаолияти турлари бўйича 2019 йил I - чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 2335 тадан ортиқ респондентлар иштирок этди. Улардан саноат корхоналари – 494 та (иштирок этган респондентларнинг умумий сонидан 21,2 %), қурилиш – 231 та (9,9 %), савдо – 962 та (41,2 %), хизматлар соҳаси – 499 та (21,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги корхоналари – 149 та (6,4 %) ни ташкил қилди.

**2019 йилнинг январь-мартида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши**




Ҳудудлар кесимида жами иштирок этган янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг улуши Тошкент шаҳрида – 23,9 % (558 та), Самарқанд вилоятида – 9,8 % (228 та), Тошкент вилоятида – 9,6 % (225 та), Фарғона вилоятида – 8,9 % (207 та), Бухоро вилояти – 7,3 % (170 та), Наманган вилоятида – 5,8 % (135 та), Қашқадарё вилояти – 5,4 % (127 та), Сурхондарё вилоятларининг улуши 5,1 % (120 та) ни ташкил қилди.

**2019 йилнинг январь-мартида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши**



Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 22,5 % и иқтисодий вазиятни қулай ва 63,2 % и эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида - 27,8 % ва 59,0 %, хизматлар сохасида - 20,9 % ва 60,9 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 23,5 % ва 62,4 %, саноатда - 23,1 % ва 61,3 % ни ташкил қилганини кўрсатди.

Иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 15,6 %, қурилишда 14,3 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 14,1 %, хизматлар соҳасида – 18,2 %, савдода – 13,2 % ни ташкил қилди.

**Иқтисодий вазиятни баҳолаш**
**2019 йил I – чорак учун, %**




Саноат корхоналарининг- 67,4 % и, савдо – 68,5 %, хизматлар – 65,9 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 65,1 % ҳамда қурилиш тармоғининг – 65,4 % и **яқин** уч ойда **иқтисодий вазият яхшиланиши**ни кутмоқдалар.

**Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, %**




Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.